

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

МЕРГАНОВ АВАЗ МИРСУЛТАНОВИЧ

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ИДИШ-ҚАДОҚЛИ ЮКЛАРНИ
ТАШИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Мерганов Аваз Мирсултанович

Темир йўл транспортида идиш-қадокли юкларни ташишни
ташкиллаштириш жараёнлари технологиясини такомиллаштириш.. 3

Мерганов Аваз Мирсултанович

Совершенствование технологии процессов организации перевозок
тарно-упаковочных грузов на железнодорожном транспорте 21

Merganov Avaz Mirsultanovich

Improvement of technology of processes of organization of
transportation of cargo-packaging goods by railway 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

МЕРГАНОВ АВАЗ МИРСУЛТАНОВИЧ

**ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ИДИШ-ҚАДОҚЛИ ЮКЛАРНИ
ТАШИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЖАРАЁНЛАРИ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.4.PhD/Т1472 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент темир йўл муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashiit.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хаджимухаметова Матлуба Адиловна
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Худайберганов Кобилжон Тахирович
техника фанлари доктори, профессор

Журабоев Камолжон Абдумунинович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Тошкент автомобиль йўллари
лойихалаш, қуриш ва эксплуатацияси
институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент темир йўл муҳандислари институти ҳузуридаги PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «10» 07 соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100167, Тошкент, Одилхужаев кўчаси, 1 уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (041 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент, Одилхужаев кўчаси, 1 уй. Тел: (99871) 299-05-66.

Диссертация автореферати 2020_ йил « 03 » 07 кун тарқатилди.
(2020 йил « 03 » 04 даги 012 рақамли реестр баённомаси).



А.И. Адилходжаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Я.О. Рузметов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

Н.Н. Ибрагимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда транспорт тармоғи олдидаги ўта муҳим вазифалардан бири қўшимча юк оқимларини жалб этиш, бундан келиб чиқиб, тегишли даромад олишдан иборат. Идиш-қадокли юкларни темир йўл омборлари орқали етказиб беришнинг мавжуд тизимларини таҳлил қила туриб, аксарият ҳолатларда транспорт воситаларининг юк операцияларини кутиб туриш ҳоллари юз бериши, ҳамда юк ортиш-тушириш ишлари остида белгиланган меъёридан ортиқча туриб қолишлар кўп маротаба кузатилишига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Дунёнинг АҚШ, Япония, Канада, Германия, Франция, Италия ва Буюк Британия каби турли мамлакатларида идиш-қадокли юкларни темир йўл транспортида ташишни ташкиллаштиришда юклар оқимининг оқилона илгарилаши ва юклар бутлиги таъминлаш учун юк бирликлари йириклаштирилмоқда. Шу жиҳатдан кросс-докинг технологияси асосида идишли-қадокли юкларни ташиш жараёнларини бошқаришни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёда идиш-қадокли юкларни темир йўл ва бошқа транспорт турларида ташишни ташкиллаштириш жараёнларини технологиясини такомиллаштиришга бағишланган илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда юк, идиш ва транспорт воситаси параметрларининг энг оқилона қийматларини танлаш ва кросс-докинг технологиясини қўллаш асосида идиш-қадокли юкларни ташиш жараёнини ташкиллаштириш даражасини ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, юк оқимининг берилган параметрлари асосида ташиш технологияси даражасини ошириш ва транспорт пакетларини қайта юклаш жараёнларни тезлаштириш учун транспорт воситаларига идишли-қадокли пакетларни оқилона жойлаш ва темир йўл омборларини жойлаштириш, режалаштириш ва фаолият кўрсатишига доир алгоритмлар ва уларнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида транспорт тизимларини ривожлантириш, шу жумладан юкларни ташиш технологияси жараёнларини такомиллаштириш ва экспорт-импорт салоҳиятини такомиллаштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида булардан ташқари, “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ... иқтисодиётда ресурслар сарфини қисқартириш, ... ишлаб чиқаришда энергия тежайдиган технологияларни кенг татбиқ этиш, ... йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, шунингдек уларни модернизациялаш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш...”¹ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони

жумладан, ташиш технологияси даражасини ошириш ва логистика объектларини жойлаштириш транспортнинг бир бутунликда ишлашининг замонавий услублари ва моделларини қўллашга қаратилган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 2 декабрдаги “2018-2022 йилларга транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва ташқи савдо йўналишларида юк ташиш маршрутларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3422-сонли Қарорида, шунингдек мазкур соҳа бўйича қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. “Энергетика, энергия ва ресурс тежаш” устувор йўналишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Идиш-қадокли юкларни ташиш, ташишлар технологияси даражасини ошириш, идиш-қадокли темир йўл транспортда юкларни транспорт воситаларига оқилона жойлаштиришни тадқиқ этишга доир илмий-техник ишлар таҳлили ушбу соҳада каттагина назарий ва амалий ютуқларга эришилганлигини кўрсатади. Идиш-қадокли юкларни ташиш ва транспортни нисбатан рационал режалаштириш йўллари излаш, ҳамда юк оқимини оптимал тарзда силжитиш (илгарилатиш) муаммоларига бағишланган кўп сонли тадқиқотлар чоп этилган. Идиш-қадокли юкларни МДХ ва хорижий мамлакатларининг турли транспорт турларида ташиш услублари ва усуллари мавжуд ва ишлаб чиқилмоқда. Темир йўл транспортда идиш-қадокли юкларни ташишни ташкиллаштириш жараёнлари технологиясини такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Пекин транспорт университети (Хитой), Флорида технология институти (АҚШ), Дрезден техника университети (Германия), Петербург давлат темир йўллар университети (Россия), Россия транспорт университети (Россия), Бутунроссия темир йўл транспорти илмий-тадқиқот институти (Россия), Тошкент темир йўл муҳандислари институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Темир йўлларда юкларни ташишни ташкиллаштириш жараёнлари технологиясини такомиллаштиришга қаратилган назарий ва амалий масалаларга доир тадқиқотлар билан М.А. Mujica, J.A. Widmer, Y. Junmin, A.G. Tarnowski, O.B. Маликов, A.A. Смехов, B.A. Болотин, A.T. Дерibas, Г.П. Гринеvич, A.C. Балалаев, A.K. Пашуков, X.T. Туранов каби чет элнинг етакчи олимлари илгари ва бугунги кунда шуғулланиб келган бўлсалар, шунингдек Н.Н. Ибрагимов, C.T. Худайберганов, Э.Т. Туйчиев,

С.М. Жумабаев, О.С. Турдиматов, М.Х. Расулов, М.А. Хаджимухаметова, Ж.Р. Кобулов, Д.И. Илесалиев, Ш.М. Суюнбаев, А.А. Светашев, К.А. Журабоев сингари маҳаллий олимлар ҳам уларни кўриб чиқилишига катта ҳисса қўшдилар. Улар турли йилларда ўз тадқиқотлари жараёнида бир мунча ижобий натижаларга эришганлар.

Маҳаллий ва хорижий амалиёт шундан далолат берадики, юкни темир йўл транспорти орқали ташишни ташкил этишда, юк, идиш ва транспорт воситаси параметрларининг бир-бирига кўрсатадиган таъсирга бағишланган илмий-тадқиқотлар натижалари кенг кўламда ўрганилмаган. Шунингдек кросс-докинг технологиясининг юклар оқими илгариллашига кўрсатадиган таъсирга оид илмий-тадқиқотлар ҳам тўлиқ олиб борилмаган. Темир йўл транспортининг мижозлар билан темир йўл омборлари орқали ўзаро ҳамкорлик қилишининг янги шакллари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг дисертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент темир йўл муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган №ЁБВ-Атех-2018-223-сон “Идишли-донали юкларни пакетларда ташишни ташкиллаштириш услубиётини ишлаб чиқиш”, №131-сон ““Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Бекобод станцияси ва “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖнинг ўзаро ҳамкорлиги технологик жараёнини ишлаб чиқиш”, №2303-сон ““Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ янги логистика маркази терминаллари қайта ишлаш қобилиятининг кутилаётган юклар оқими ҳажмига мувофиқлигини тадқиқ этиш” мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кросс-докинг усулуни қўллаш асосида темир йўл транспортида идиш-қадокли юкларни ташишни ташкиллаштириш жараёнлари технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

темир йўл ва автомобиль транспортининг ўзаро ҳамкорлигини кросс-докинг технологиясини, шунингдек унинг юклар ташишни ташкиллаштиришга таъсирини асослаш;

темир йўл транспорти билан идиш-қадокли юкларни етказиб бериш жараёнларини тадқиқ этиш;

юк, идиш ва транспорт воситаси параметрларининг ўзаро таъсирини аниқлаш услубини ишлаб чиқиш;

темир йўл омборларининг мижозлар билан ўзаро ишлаш муносабатлари шаклини яхшилаш учун омборларни рационал режалаштиришнинг математик моделини ишлаб чиқиш;

етказиб бериш занжирларида юк оқимларини рационал илгарилатиш учун кросс-докинг технологиясининг математик моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида идиш-қадокли юкларни қайта юклаб-ортиш амалларини бажарувчи темир йўл станциялари олинган.

Тадқиқот предмети кросс-докинг технологиясини қўллаш йўли билан идиш-қадокли юкларни ташишни ташкил этиш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Транспорт воситаларига идиш-қадокли юкларни жойлаштириш ва уларни ташиш, комбинаторика, йўналтирилган саралаш, тармоқли режалаштириш, ягона харажатлар ставкалари усуллари ва алгоритмлар назариясидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

омборхона мажмуаларида идиш-қадокли юкларнинг қайта ортилиш жараёнларини тезлаштириш учун темир йўл ва автомобиль транспорти ўзаро бирга ишлашининг ташишларни ташкиллаштиришга кўрсатадиган таъсирини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган кросс-докинг технологияси асослаб берилган;

ташишлар технологияси даражасини ошириш учун юк, идиш ва транспорт воситаси параметрларининг энг оқилона қийматларини танлаш асосида идиш-қадокли юкларни транспорт воситаларига рационал жойлаштириш услубиёти ишлаб чиқилган;

етказиб бериш логистика занжирларини оптималлаштириш учун кросс-докинг технологиясини қўллаш асосида темир йўл омборлари оқилона режалаштирилиши ва фаолиятининг математик модели ишлаб чиқилган;

юк бирликларига йўл давомида турли хил омиллар таъсирини асослаш учун уларни етказиб бериш шарт-шароитларига доир экспериментлар ўтказиш асосида алоҳида ҳарорат режимини талаб қиладиган идиш-қадокли юкларни ташиш параметрлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

транспорт идиши ва воситаларининг юк кўтариш қобилиятидан оқилона фойдаланиш учун идиш-қадокли юклар оқимининг берилган параметрлари асосида юк бирликларини турли транспорт воситаларига оптимал тарзда жойлаштириш алгоритмлари ва уларнинг дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

транспорт воситалари юк кўтариш қобилиятидан фойдаланишни яхшилаш мақсадида йўналтирилган саралаш усули асосида юк, идиш ва транспорт воситаси параметрларининг энг рационал қийматини танлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мавжуд усул ва назариялардан фойдаланилганлиги, тадқиқотнинг мантиқий жиҳатдан тўғри тузилиши, ҳамда олинган назарий хулосаларнинг экспериментал тадқиқотлар натижаларига мувофиқлиги, тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти идиш-қадокли юкларни ташишни ташкиллаштиришда уларни йўл давомидаги иқлим шароитлари таъсиридан асраб, сифатини таъминлаш, ҳамда транспорт идиши ва ташишда ишлатилаётган транспорт воситаларидан оптимал фойдаланиш мақсадида кросс-докинг технологиясини такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти идиш-қадокли пакетларни усти ёпиқ ва рефрижератор вагонлар, контейнерлар ва автотранспорт воситаларига энг оптимал тарзда жойлаштириш алгоритмларини

яратилганлиги, ташилаётган юкларни турли ҳарорат режимларида ортикча совуб кетишдан ва қизишдан сақлаш даражасини ошириш мақсадида “термопакет”дан фойдаланиш бўйича таклиф этилган тавсиялардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Идиш-қадокли юкларни темир йўл транспортида ташишни ташкиллаштириш жараёнлари технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

идиш-қадокли пакетларни усти ёпиқ ва рефрижератор вагонлар, контейнерлар ва автотранспорт воситаларига энг рационал тарзда жойлаштириш усуллари “ЎТЙ” АЖ тасарруфига кирувчи “Юк ва тижорат ишлари бошқармаси”да транспорт воситалари юк кўтариш қобилиятидан фойдаланишни яхшилаш ва ташиш технологияси даражасини ошириш учун жорий этилган (“ЎТЙ” АЖнинг 2020 йил 8 июндаги 01/2080-20-сон маълумотномаси). Натижада транспорт воситасидаги юкларнинг транспорт партиялари оғирлигини 7-12%га ошириш ва темир йўл транспорти жозибадорлигини яхшилаш имкони яратилган;

идиш қадокли юклар оқимининг берилган параметрлар асосида темир йўл омборларини жойлаштириш ва режалаштириш моделлари “ЎТЙ” АЖ тасарруфига кирувчи “Логистикани ривожлантириш ва рақамлаштириш бош бошқармаси”да етказиб беришнинг логистик занжирларини оптималлаштириш учун жорий этилган (“ЎТЙ” АЖнинг 2020 йил 8 июндаги 01/2080-20-сон маълумотномаси). Натижада темир йўл транспортида транспорт хизматлари мажмуаси мавжудлигини кенгайтириш, механизациялаш даражаси ва иш унумдорлигини ошириш имкони яратилган;

кросс-докинг технологиясини қўллаш йўли билан темир йўл омборининг ишини юритиш модели “ЎТЙ” АЖ тасарруфига кирувчи “Логистикани ривожлантириш ва рақамлаштириш бош бошқармаси”да омбор майдони ва транспорт воситаларидан оптимал фойдаланиш учун жорий этилган (“ЎТЙ” АЖнинг 2020 йил 8 июндаги 01/2080-20-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаси транспорт воситаларининг ортиш-тушириш операцияларида туриб қолиш вақтини қисқартириш ва идиш-қадокли юкларнинг омборхона 1 м² майдонига тушадиган юкламасини кўпайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқотининг назарий ва амалий натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган. Шундан, 15 та журнал мақолалари, шу жумладан 5 та республика ва 10 та халқаро журналларда нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, жумладан, 4 та республика, 5 та халқаро журналларда чоп қилинган, ҳамда ЭҲМ дастурларига 4 та гувоҳномалар мавжуд.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 112 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ишнинг долзарблиги асосланиб, масаланинг ҳолати ёритилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти асосланган, илмий тадқиқотларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилган натижалари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Идиш-қадокли юкларни темир йўл транспорти билан ташишни ташкиллаштириш масаласининг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида идиш-қадокли юкларни темир йўл орқали ташиш тизими ривожланишининг таҳлили ва замонавий ҳолати кўриб чиқилган ва келтирилган. Таҳлил асосида темир йўл омборларида “кросс-докинг” технологиясини қўллаш йўли билан етказиб беришлар занжирига тузатиш киритиш зарурлиги тўғрисида хулоса қилинган. Ушбу омборлар вазифаси – корхоналар ишидаги номутаносибликни мувофиқлаштириш ва юклар оқими параметрларини навбатдаги элемент талабларига мослаштириб тузишдан иборат бўлади.

Таҳлил натижаларига кўра тушириб-ортиш ва транспорт-омборхона операциялари билан боғлиқ харажатлар умумий сарф-харажатларнинг тахминан ярмини ташкил этиши аниқланган. Бугунги кунга келиб Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган юк ташишни ташкиллаштириш тизими кўп ҳолларда юкни қайта ортишда қўл меҳнатини қўллаш билан боғлиқ. Бундан ташқари, бу масала узоқ йиллардан бери “сояда” қолиб кетиб, бу унинг ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан етарли даражада ўрганилмай қолиб кетишига сабаб бўлган. Юкларни пакетли ташиш услубига ўтиш мазкур масалани ҳал этиши мумкин, чунки бу ҳолда товарларнинг муддатида етказиб берилиши таъминланиб, логистик харажатлари камаяди, ҳамда ташиш маданияти ва иш унумдорлиги ошишига эришилади.

Темир йўл омборларида қайта ишлов бериладиган юклар номенклатурасини таҳлил қилиш учун юкларни қуйидаги гуруҳлар бўйича ажратиш модели қўлланилган (1-расм): *A* гуруҳи – асосий сақланиш участкаси орқали тушириб-ортиладиган идиш-қадокли юклар; *B* гуруҳи – саралаш ва вақтинча сақлаш участкаси орқали тушириб-ортиладиган идиш-қадокли юклар; *C* гуруҳи – бевосита бир транспорт туридан бошқасига ортиладиган идиш-қадокли юклар.

1-расмдан кўриниб турибдики, *A* гуруҳга оид юклар улуши асосий сақлаш участкаси орқали ортиб-туширишда 75% ни ва барча номдаги юклардан 88% ни ташкил қилар экан; *B* гуруҳи саралаш ва вақтинча сақлаш



1-расм. Идиш-қадокли юкларнинг номенклатуравий номлари бўйича сони ва тушириб-ортиш усулининг ABC-таҳлили

участкаси орқали тушириб-ортиш юкларнинг 16% ини, барча номдаги юкларнинг 8% ини; C гуруҳи, тўғридан-тўғри вариант бўйича тушириб ортилган юкларнинг 9% ини, ҳамда барча номдаги юкларнинг 4% ини ташкил қилади.

C гуруҳининг камраб олиш даражасини кенгайтириш, яъни бевосита бир транспортдан бошқасига ортиладиган идиш-қадокли юкларнинг улушини кўпайтириш мақсадида “кросс-докинг” технологияси тавсия этилган.

Технологияни тузиш тамойилларидан келиб чиқиб, темир йўл омборларида олти турдаги кросс-докинг технологияси тури ажратиб олинган:

1. Юкни анъанавий тарзда тўғридан-тўғри тушириб-ортиш – юк бирлигини қисмларга ажратмаган ҳолда транспорт воситаси алмаштирилади;

2. Кросс-докинг 1 варианты – юк транспорт пакетини тузиш билан вагондан автомобиль транспортига ортилади;

3. Кросс-докинг 2 варианты – битта юк жўнатувчи – бир нечта юк қабул қилувчи. Бир неча машина узатилиб, уларда юк сўнгги юк қабул қилувчига жўнатилади;

4. Кросс-докинг 3 варианты – бир нечта юк қабул қилувчи. Бир неча машина узатилиб, уларда юк транспорт пакетини тузилган ҳолда сўнгги юк қабул қилувчига жўнатилади.

5. Кросс-докинг 4 варианты – вагондан тушириб-ортишда етказиб келинган юкка омборда сақланаётган юк қўшилади;

6. Кросс-докинг 5 варианты – вагонга тушириб-ортишда етказиб келинган юкка омборда сақланаётган юк қўшилади, транспорт пакети тузилади.

“ЎТЙ” АЖ нинг минтақавий темир йўл узеллари бўйлаб кенг истеъмол қилинадиган товарларидан пакетлаш учун яроқли юк оқимларининг нисбий ҳажмлари таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юк ортиб-туширадиган омборлар сони етарли эмаслиги аниқланган.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, айтиш мумкинки, темир йўл омборларининг юкларни қайта ишлаш қобилиятини ошириш, ҳамда ана шу омборларда кросс-докинг технологиясини амалга ошириш учун юкларни пакетлаштириш борасида рационал қарорлар қабул қилиш йўли билан идиш-қадокли юкларни ташишни ташкиллаштиришни такомиллаштириш зарурати юзага келади.

“Идиш-қадокли юкларни темир йўл транспортида етказиб бериш жараёнларини тадқиқ этиш” деб номланган иккинчи бобда идиш-қадокли юкларни ташиш шарт-шароитларини танлаш масалалари тадқиқ этилиб, ана шу юкларни ташиш шарт-шароитларига боғлиқ равишда етказиб бериш

вариантлари ўрганилган, транспорт пакетини турли ташиш масофаларига етказиб бериш вариантлари таққосланган, ҳамда йўл давомида алоҳида ҳарорат режимини талаб қиладиган идиш-қадокли юкларни етказиб бериш бўйича ўтказилган эксперимент натижалари келтирилган.

Рефрижератор вагонлар юк кўтариш қобилиятидан тўлиқ фойдаланмаслигига ҳам қарамай, тагликларни донабай ташишни қўллашга нисбатан, маҳсулотларни пакетли етказиб беришни ривожлантириш яхши самара бериши аниқланган. Тагликлар транспорт идиши ҳисобланиб, амалдаги ДСларга мувофиқ конструкциясига кўра қуйидагича бўлади: ясси, тиргакли ва яшикли.

Турли тагликларни қўлланиш соҳаларининг таҳлили асосида идиш-қадокли юкларни ташиш учун ясси ва тиргакли тагликлар танлаб олинган. Ясси ва тиргакли тагликлар ёрдамида тузилган транспорт пакетларини жойлаштириш схемалари тадқиқ этилган, танлаб олинган тагликлардан фойдаланиб идиш-қадокли юкларни етказиб бериш вариантларини қиёслаш амалга оширилган. Бунда универсал контейнердаги 1 пакет идиш-қадокли юкни етказиб бериш қийматини аниқлаш учун қуйидаги формула таклиф қилинган:

$$C = \frac{1}{N_{\text{пак}}} \cdot (C_{\text{тара}} + C_{\text{пак}} + C_{\text{ног}} + C_{\text{неп}} + C_{\text{разг}} + C_{\text{нор}}), \text{ сўм/пак.}, \quad (1)$$

бунда $N_{\text{пак}}$ – универсал контейнерда жойлаштириладиган транспорт пакетлари сони, дона; $C_{\text{тара}}$ – транспорт идиши қиймати, сўм; $C_{\text{пак}}$ – транспорт пакетини тузишнинг умумий қиймати, сўм; $C_{\text{ног}}$ – транспорт пакетларини ортиш қиймати, сўм; $C_{\text{неп}}$ – битта контейнерни ташиш қиймати, сўм; $C_{\text{разг}}$ – транспорт пакетларини тушириб олиш қиймати, сўм; $C_{\text{нор}}$ – бўш контейнерни қайтариш қиймати, сўм.

Транспорт пакетининг турли параметрларига эга бўлган контейнер сиғими солиштирилиб (1-жадвал), тиргакли тагликлардан фойдаланишда контейнерга кўпроқ идиш-қадокли юклар сиғиши аниқланган (юкнинг берилган параметрларида 80 та юк бирлигига кўпроқ).


Транспорт пакетини тузиш қийматини аниқлаш натижалари тиргакли таглик ёрдамида тузилган битта пакетга сарфланган харажатлар ясси тагликдан фойдаланилган пакетга нисбатан 55% га кам эканлигини кўрсатган.

1-жадвал

Турли параметрли транспорт пакетига эга бўлган контейнер сиғимини солиштириш


Таглик ёрдамида тузилган транспорт пакети	Тагликдаги юк бирликлари сони, дона	Транспорт пакети оғирлиги, кг	Контейнердаги юк бирликларининг умумий сони, дона	Транспорт партиясининг умумий оғирлиги, кг
ясси	20	1040	220	11440
тиргакли	15	676	300	13520

Ҳисобий йўл билан универсал контейнерларда бир пакет-км юкни ташиш қийматининг ташиш масофаси ва ташиладиган транспорт пакетлари сонига боғлиқлиги олинган (2-расм).



2-расм. Битта транспорт пакетини етказиб бериш қийматининг идиш-қадокли юкни етказиш масофасига боғлиқлиги

Алкохолсиз маҳсулот йўл давомида бузилишининг олдини олиш мақсадида ТошТЙМИ лабораторияси базасида стационар тадқиқотлар ўтказилиб, бунда имитациялаш жараёнида “термопакет”дан фойдаланилди. Тажриба ўтказиш мақсадида транспорт пакетига *Hydrolife* компаниясининг газланган суви, шунингдек *Coca-Cola* ва *Pepsi* компанияларидан алкохолсиз газланган ичимликлар жойланиб, “термопакет” билан ўраб (тикиб) қўйилган. Вагон ҳаракатини имитациялаш 50 соат давомида амалга оширилиб, қолган 24 соат давомида эса реал ташиш шароитларига яқинлаштириш мақсадида инерцион тарзда ишлайдиган вибратор ўчириб қўйилди, чунки вагон ҳар доим ҳам ҳаракатда бўлмайди. 3-расмда ҳарорат режимлари натижалари келтирилган.



3-расм. Тадқиқ этилаётган объектларда ҳарорат режими натижалари

Эксперимент натижаларидан компаниясининг газланган суви вагон ҳаракати -4°C даражада 26 соат давомида имитацияланганидан сўнг буткул қаттиқ ҳолатга ўтган, шунингдек битта баклажка кенгайиш ҳисобига ёрилиб кетган. *Coca-Cola* компания ичимликлари эса -10°C даражада 57 соатлик совутишдан сўнг буткул қаттиқ ҳолатга ўтиб, *Pepsi* ичимлиги $-10,5^{\circ}\text{C}$ даража совуқда 66 соатдан сўнг тўлиғича қаттиқ ҳолат қабул қилган, “термопакет”га жойланган маҳсулот эса

2-расмдан кўриниб турибдики, ташиш масофаси 999 км гача бўлганда транспорт идишининг энг мақбул тури ясси таглик экан, тиргакли тагликларни эса 1000 км ва ундан ортиқ масофага ташишда қўллаш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга ушбу бобда йўл давомида алоҳида ҳарорат режимини талаб қиладиган идиш-қадокли юкларни етказиб бериш ҳам тадқиқ этилди.

3-расмда узлуксиз қизил чизик “термопакет” ичидаги ҳароратни англатади; вертикал қора чизиклар ушбу вақт моментида турли технологик ишлар мақсадида эшик очилганини билдиради; вертикал қизил узук чизик газланган сувнинг музалаганлигини англатади; яшил ва кўк узук чизиклар, мос равишда, *Coca-Cola* ва *Pepsi* компаниялари ичимликлари бутунлай музлаб қолганлигини билдиради.

маълум бўлишича, *Hydrolife*

деярли ўзгармаган. Тадқиқотлар натижасида юкнинг йўл давомидаги иссиқлик изоляциясини таъминлайдиган “термопакет” таклиф этилган.

“Юк, идиш ва транспорт воситаси параметрларининг ўзаро таъсир қилиш қонуниятларини тадқиқ этиш” деб номланган учинчи бобда идиш-қадокли юкларни усти ёпиқ ва рефрижератор вагонларга, универсал контейнерларга ва автотранспорт воситаларига жойлаштириш масалалари тадқиқ этилиб, шунингдек юк бирликларини транспорт идишлари ва воситаларига рационал жойлаштириш ҳисоб-китоби алгоритмлари ва дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.

Юк, идиш ва транспорт воситасининг ўз параметрлари қийматларини ҳисобга олган ҳолда идиш-қадокли юкларни транспорт воситаларига рационал жойлаштириш вариантини танлаш учун қуйидаги ифода таклиф этилган:


$$S = \left\{ \begin{array}{l} L, B, H, V, l_{\text{ов}}, b_{\text{ов}}, h_{\text{ов}}, q_{\text{ов}}, a, b, e, V_{\text{тара}}, g_{\text{тара}}, q_{\text{тара}}, \\ c, C_{\text{нак}}, V_{\text{нак}}, G_{\text{нак}}, \alpha, \beta, \delta, g, \gamma, V_{\text{сп}}, T_m, v \end{array} \right\} = f(t) = Z(t) \quad (2)$$

бунда $L, B, H, V, l_{\text{ов}}, b_{\text{ов}}, h_{\text{ов}}, q_{\text{ов}}$ – транспорт воситаси кузови параметрлари, мос равишда узунлиги, эни, баландлиги, ҳажми, эшик оралиғининг узунлиги, эни, баландлиги ва юк кўтариш қобилияти; $a, b, e, V_{\text{тара}}, g_{\text{тара}}, q_{\text{тара}}$ – таглик параметрлари, мос равишда узунлиги, эни, баландлиги, ҳажми, массаси ва юк кўтариш қобилияти; $c, C_{\text{нак}}, V_{\text{нак}}, G_{\text{нак}}$ – таглик параметрлари, мос равишда транспорт идишига жойлаштирилиш баландлиги, пакет баландлиги, ҳажми ва массаси; $\alpha, \beta, \delta, g, \gamma, V_{\text{сп}}$ – идиш-қадокли юк параметрлари, мос равишда узунлиги, эни, баландлиги, массаси, ҳажмий массаси ва ҳажми; T_m – ҳаракат траекторияси; v – ҳаракатланиш тезлиги.

Тақдим этилган ифода t вақтнинг функцияси бўлиб келади. Шу билан бирга муайян вақт momentiда аниқланадиган эҳтиёж бўйича Z вазият ҳам бўлади.

Идиш-қадокли юклар, идиш ва транспорт воситаси параметрларининг (усту ёпиқ вагонлар, рефрижератор вагонлари, контейнерлар ва автотранспорт воситалари) ўзаро таъсирининг математик моделлари (2) формула асосида ишлаб чиқилган. Ясси тагликнинг рационал турини излаш ва уларни усти ёпиқ вагонларга жойлаштиришнинг ишлаб чиқилган алгоритми 4-расмда кўрсатилган. Алгоритм қуйидаги асосий ҳаракатлардан ташкил топган: идиш-қадокли юкнинг параметрларини усти ёпиқ вагонга киритиш; идиш-қадокли юкларни транспорт идишига жойлаш рационал усулини танлаш; транспорт пакетларини усти ёпиқ вагонга жойлаштириш вариантларини баҳолаш; транспорт идишининг рационал турини танлаш.

Усти ёпиқ вагон сифимини транспорт идишининг турли параметрлари билан солиштириш умумий юк бирликлари сифими, ўз навбатида юк кўтариш қобилияти 1200×800 мм ўлчамли тагликлардан фойдаланишда таъминланишини кўрсатган.



4-расм. Ясси тагликнинг рационал типини излаш ва уларни усти ёпиқ вагонларга жойлаштиришнинг алгоритми

Юк бирликларини контейнерларга жойлаштириш вариантыни излаб топишга оид ишлаб чиқилган алгоритм асосида сиғими 20 ва 40-футли контейнерларнинг турли транспорт идишлари параметрлари билан қиёслаш амалга оширилиб, 1200×1000 мм ўлчамли тагликлардан фойдаланилганда умумий юк бирликларининг контейнерларга рационал сиғиши таъминланиши аниқланган. Ёғоч яшикларни ясси ва қутисимон тагликларда жойлашнинг саккизта усули тадқиқ этилиб, юк бирликларини рефрижератор вагонларга жойлаштириш вариантыни излаб топиш алгоритми ишлаб чиқилди. Ушбу алгоритм асосида яшикларни тагликка жойлашнинг кўриб чиқилган усуллари учун яшиклар сони ва транспорт пакети оғирлигининг ҳисоби амалга оширилган. Бу ҳолда 590×398×284 мм ўлчамли яшиклар учун уларни тагликка жойлашнинг 1, 6 ва 7 усулларида, 590×398×398 мм ўлчамли яшиклар учун эса – 1 ва 7 усуллардан фойдаланишда энг мақбул натижа олиниши аниқланган.

Транспорт пакетлари параметрларини белгилаб берадиган шартлардан бири-идиш стандартлари билан ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг автотранспорт воситасига рационал жойланишини таъминлашдан иборат. 1200×1000 мм ва 1200×800 мм ўлчамли тагликлар, ҳамда автотранспорт воситаси кузовининг ички ўлчамлари параметрлари уларнинг тарихий ривожланиш шароитлари туфайли ўзаро номувофиқ бўлиб, умумий модулига эга эмас. Автотранспорт воситалари сиғимини турли параметрли транспорт идиши билан қиёслаш учун юк бирликларини автотранспортга оқилона жойлаштириш вариантыни излаб топиш алгоритми ва унинг дастурий таъминоти ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган дастурий маҳсулот транспорт идишининг юкларни автотранспортда ташиш шароитларига таъсир кўрсатиш соҳасидаги кўп сонли ҳисоб-китобларни бажариш имконини беради.

Ушбу боб доирасида шунингдек кабелли барабанларни контейнерга рационал жойлаштириш усулини излаб топиш алгоритми ҳам ишлаб чиқилган. Мазкур дастурий таъминот ёрдамида кабелли барабанларни контейнерга рационал жойлаштириш бўйича кўп сонли ҳисоб-китоблар амалга оширилиб, уларни ташиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Транспорт идишини танлашнинг ишлаб чиқилган алгоритм ва дастурий таъминотлари нафақат юк параметрлари, балки таглик ҳамда транспорт воситасининг ўз ўлчамларидан келиб чиқиб транспорт воситаларининг техник юкланганлигини 7-12%га ошириш имконини берган. Рационал идишни танлашнинг таклиф этилган услубиёти бир мунча содда бўлиб, юк бирликларини идиш-қадоқли юкларнинг барча параметрларига боғлиқ равишда транспорт идишига жойлашнинг турли вариантларини тезлик билан кўриб чиқиш имконини яратади.

“Темир йўл омборларини рационал жойлаштириш ва фаолиятини юритиш моделларининг математик баёни ва тадқиқоти” деб номланган тўртинчи бобда темир йўл омборларини идиш-қадоқли юклар оқимининг берилган параметрлари асосида “кросс-докинг” технологиясини қўллаш йўли билан жойлаштириш, режалаштириш ва фаолиятини юритиш моделлари ишлаб чиқилган.

Идиш-кадоқли юклар омборларини юк оқимиға боғлиқ равишда жойлаштириш вариантыни излаш бўйича ишлаб чиқилган иқтисодий-математик модели асосида зарур темир йўл омборларини “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ объектларида “кросс-докинг” технологиясини қўллаган ҳолда идиш-кадоқли юкларни қайта ишлаш учун жойлаштириш варианты таклиф этилган.

Умумий эксплуатация харажатларини имкон қадар камайтириш имконини берадиган x_{ij} , x_{ik} ларнинг оптимал қийматларини излаб топиш масаласи қуйидаги тарзда шакллантирилади:

$$R^*(x_{ij}, x_{jk}) = \min_{x_{ij}, x_{jk}} \left(\sum_{ij} x_{ij} c_{ij} + \sum_{ij} Q_j c_j(x_{ij}) + \sum_{jk} x_{jk} c_{jk}(l_{jk}) \right), \quad (3)$$


агар

$$x_{ij}, x_{jk} \geq 0, \quad i = \overline{1, n}, \quad j = \overline{1, m}, \quad k = \overline{1, l}; \quad (4)$$

$$\sum_j x_{ij} = Q_i, \quad \sum_k x_{ik} = Q_j, \quad \sum_i x_{ij} = Q_j. \quad (5)$$

бунда i – идиш-кадоқли юкларнинг усти ёпиқ омборга келиб тушган пункти рақами, $i = \overline{1, n}$; j – темир йўл станцияларида жойлашган омбор рақами, оптималлаштириладиган параметрлардан бири, $j = \overline{1, m}$; x_{ij} – идиш-кадоқли юкларни i пунктдан j пунктига темир йўл бўйлаб ташиш; k – идиш-кадоқли юклар бориши мўлжалланган, у ерга автомобиль транспорти билан етказиладиган пункт рақами, $k = \overline{1, l}$; x_{ik} – j омбор ва k юк қабул қилувчи ўртасида автомобиль транспорти билан хизмат кўрсатиладиган полигонда идиш-кадоқли юкларни ташиш; c_{ij} – бир тонна идиш-кадоқли юкни темир йўл бўйлаб i пунктдан j пунктга ташиш қиймати; c_{ik} – бир тонна юкни автомобиль транспорти билан j омбор жойлашган станциядан k бориши мўлжалланган пунктга ташиш қиймати, c_{jk} нинг қиймати l_{ik} юкнинг етказиб берилиш масофасига боғлиқ, яъни $c_{jk} = c_{jk}(l_{jk})$; c_j – j идиш-кадоқли юклар омборида 1 т юкни қайта ишлаш қиймати, $c_j = c_j(x_{jk})$; Q_i – i пунктига етказиб келтирилган юк миқдори; Q_j – темир йўл омборига етказиб келтирилган юк миқдори.

Темир йўл омборлари технологик участкаларини энг оқилона режалаштиришни излашда “кросс-докинг” технологиясини “қоплаш” усули асосида ана шу омбор турларининг уч хил ноанъанавий режалаштириш схемалари олинган (5-расм) ва қўллаш учун тавсия этилган (5, б, в, г-расмлар).



5-расм. Темир йўл омборларида “кросс-докинг” технологиясини ташкиллаштириш учун уларни турлича режалаштириш шакллари:

а – омборни анъанавий режалаштириш; б – омборни Г-симон режалаштириш; в – омборни Т-симон режалаштириш; г – омборни П-симон режалаштириш

Идиш-кадоқли юкларни “кросс-докинг” технологиясига эга бўлган темир йўл омборлари тизими орқали якуний истеъмолчиларга энг рационал тарзда етказиш учун математик модель ишлаб чиқилган. Ҳисоб-китоблар қулайлиги учун ушбу математик модель классик транспорт масаласига келтирилган.

Мисол учун, m ($i = \overline{1, m}$) нафар юк жўнатувчи, n ($j = \overline{1, n}$) нафар юк қабул қилувчи ва p ($k = \overline{1, p}$) – темир йўл омбори мавжуд дейлик. a_i ва b_j орқали мос равишда етказиб бериш ва истеъмол ҳажмларини белгилаб оламиз. d_k – k -нчи темир йўл омбор мажмуи қуввати, c_{ik} ва c_{kj} – мос равишда идиш-кадоқли юкни етказиб берувчидан темир йўл омборларига ва ана шу омборлардан истеъмолчиларга ташиб бериш қиймати бўлсин. Бу ҳолда масала модели қуйидаги кўринишга эга бўлади


$$R^* = \sum_{i=1}^m \sum_{k=1}^p C_{ik} \cdot x_{ik} + \sum_{k=1}^p \sum_{j=1}^n C_{kj} \cdot x_{kj} \rightarrow \min \quad (6)$$

қуйидаги чекловларда:


$$\sum_{k=1}^p x_{ik} \leq a_i, \quad \sum_{i=1}^m x_{kj} \leq b_j, \quad \sum_{i=1}^m x_{ik} \leq d_k, \quad x_{kj} \geq 0, \quad x_{ik} \geq 0 \quad (7)$$

бунда d_k – темир йўл омборининг ўтказиш қобилияти; $i = \overline{1, m}$ – юк жўнатувчи; $j = \overline{1, n}$ – юк қабул қилувчи; x_{ik}, x_{kj} – идиш-кадоқли юкларнинг маршрут бўйича етказиб берилиш ҳажми; a_i – i -нчи етказиб берувчининг ресурслари миқдори; b_j – j -нчи истеъмолчи буюртмасининг миқдори.

6-7-расмларда “кросс-докинг” технологиясининг темир йўл омборида юклар тушириб-ортилишига таъсири кўрсатилган. Келтирилган диаграммалар ушбу технология барча чекловларга риоя этган ҳолда бошқа жойга бориши мўлжалланган юкни кўшимча тарзда ортиш имконини беришини кўрсатади. 6-7-расмларда қуйидагилар белгиланган: A_1, A_2, A_3, A_4, A_5 – юк жўнатувчиларнинг етказиб бериш ҳажмлари; D_1, D_2, D_3, D_4, D_5 – қайта ортиш омборлари қувватлари; B_1, B_2, B_3, B_4, B_5 – юк қабул қилувчиларнинг истеъмол ҳажмлари.



6-расм. Етказиб бериш ҳажмларининг темир йўл омборлари қувватига боғлиқлик диаграммаси



7-расм. Истеъмол қилиш ҳажмларининг темир йўл омборлари қувватига боғлиқлик диаграммаси

Ишлаб чиқилган модель идиш-кадоқли юкларни темир йўл омборига тушириш, ҳамда ундан сўнг уларни якуний истеъмолчига қадар энг оптимал вариант бўйича етказиб бериш имконини бериб, бунда омбор қувватлари, етказиб бериш ва истеъмол ҳажмлари ҳам ҳисобга олинади.

“Идиш-қадокли юкларни ташишни ташкиллаштириш жараёнига кросс-докинг технологиясини татбиқ этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” деб номланган бешинчи бобда идиш-қадокли юкларни темир йўл транспортида ташишни ташкиллаштириш жараёнлари технологиясини такомиллаштиришнинг техник-иқтисодий самарадорлиги асослаб берилган.

Темир йўл омборларининг қуйида келтирилган техник таъминотларини ҳисобга олган ҳолда қўшимча инвестицион киритмалар аниқланган: темир йўл омборига хизмат кўрсатадиган юк ортиш-тушириш машиналарини (ЮОТМ) харид қилиш; омборда юк ортиш-тушириш дарвозасини очиш; керакли миқдордаги тагликлар билан таъминлаш.

Кросс-докинг технологиясини қўллашда темир йўл омборининг қуйидаги келтирилган қўшимча сарф-харажатлари аниқланди: ЮОТМларни сақлаш ва таъмирлаш; кросс-докинг технологияси жорий этилганидан сўнг иш ҳақи; ЮОТМлар куч электр двигателлари учун электр энергияси; қўшимча материаллар (тормоз суюқлиги, сурков мойлари ва б.); электр дарвоза сарф-харажатлари.

Кросс-докинг технологиясига ўтишда идиш-қадокли юкларни тушириб-ортишда қўл меҳнати билан банд бўлган юкчиларнинг бўшаши; транспорт воситаларининг юк ортиш-тушириш операцияларида туриб қолиш вақти камайиши; транспорт воситасига тушадиган статик юклама ортиши; омборхона 1 м² майдонига тушадиган юклама ортиши ҳисобига эксплуатация харажатлари тежалишига эришилади.

Идиш-қадокли юкларни темир йўл транспортида ташишни ташкиллаштириш жараёнлари технологиясини такомиллаштиришда асосий иқтисодий самара бир йилда 797 млн. сўмни, рентабеллилик индекси – 15,4, улар даромадлигининг ички меъёри – 1,81 ва ўз-ўзини оқлаш муддати 0,55 йилни ташкил этган.

ХУЛОСА

“Темир йўл транспортида идиш-қадокли юкларни ташишни ташкиллаштириш жараёнлари технологиясини такомиллаштириш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулоса тақдим этилди:

1. Темир йўл омборларида қайта ишланадиган идиш-қадокли юклар таҳлили асосида юкларнинг кўпгина қисми асосий сақланиш участкаси орқали тушириб-ортилишининг товар таннарни ошишига олиб келаётганлиги аниқланган. Ўтказилган таҳлил идиш-қадокли юкларни ташишни ташкиллаштириш жараёнлари технологиясини такомиллаштириш йўналишини танлаш имконини яратган.

2. Ўтказиб бериш шарт-шароитларига доир экспериментлар ўтказиш асосида алоҳида ҳарорат режимини талаб қиладиган идиш-қадокли юкларни ташиш параметрлари аниқланган. Тадқиқотлар натижасида юкнинг йўл давомидаги иссиқлик изоляциясини таъминлайдиган “термопакет” таклиф этилган.

3. Идиш-қадокли юкларни транспорт идиши ва воситаларига рационал жойлаштиришнинг янада такомиллаштирилган услубиёти таклиф этилган. Ушбу услубиётни қўллаш идиш, юк ва транспорт воситаси параметрларига боғлиқ равишда идиш-қадокли юкларнинг транспорт партияларидаги оғирлигини 7 дан 12% гача ошириш ҳисобига ёпик, рефрижератор вагонлар, контейнерлар ва автотранспорт воситаларининг юк кўтариш қобилиятидан фойдаланиш коэффициентининг кўпайиши, ҳамда юк жўнатувчиларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига олиб келади.

4. Юк оқимининг берилган параметрлари асосида идишли-қадокли юклар темир йўл омборларини жойлаштиришнинг математик модели ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган математик моделни қўллаш темир йўл ва автомобиль транспорти билан идиш-қадокли юкларни ташиш, ҳамда 1 тонна юкни қайта ишлаш қийматини ҳисобга олиш имконини яратади. Ишлаб чиқилган математик моделни апробациядан ўтказиш натижасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кросс-докинг технологиясига мувофиқлаштирилган 17 та темир йўл омборларини жойлаштириш схемаси таклиф этилган.

5. Темир йўл омборларини уларда кросс-докинг технологиясини юритишни инобатга олган ҳолда энг рационал режалаштиришни излаш услубиёти ишлаб чиқилган. Темир йўл омборлари технологик участкаларини энг оқилона режалаштиришни излашни моделлаштириш натижасида омборларни уч хил ноанъанавий режалаштириш схемалари олинган ва қўллаш учун тавсия этилган. Таклиф этилаётган услубиёт идиш-қадокли юкларни темир йўл транспортдан автомобиль транспортга тушириб-ортишни энг кам логистик харажатлар асосида амалга ошириш имконини яратади.

6. Темир йўл омборларида кросс-докинг технологиясини қўллаш йўли билан юк оқимини рационал илгарилатишнинг математик модели ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган модель омбор куввати, етказиб бериш ва истеъмол ҳажмини ҳисобга олган ҳолда юкларни темир йўл омборида тушириб-ортиш, ҳамда ундан сўнг уларни якуний истеъмолчига қадар энг оптимал вариант бўйича етказиб бериш имконини беради.

7. Тадқиқот натижалари асосида идиш-қадокли юкларни транспорт пакетлари ва воситаларига энг рационал жойлаштиришни излашга доир дастурий маҳсулотлар мажмуи жорий этилган. Натижада транспорт воситаларининг юк ортиш-тушириш операциялари остида туриб қолиш вақти қисқариши, статик юкламанинг ортиши ва омборхона 1 м² майдонига тушадиган идиш-қадокли юкларнинг юкламаси кўпайишига эришилган. Асосий иқтисодий самара бир йилда 797 млн. сўмни ташкил этган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ
СТЕПЕНЕЙ PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ
ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА**

МЕРГАНОВ АВАЗ МИРСУЛТАНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРОЦЕССОВ
ОРГАНИЗАЦИИ ПЕРЕВОЗОК ТАРНО-УПАКОВОЧНЫХ ГРУЗОВ НА
ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОМ ТРАНСПОРТЕ**

05.08.03 – Эксплуатация железнодорожного транспорта

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №2019.4.PhD/T1472

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного Совета (www.tashiit.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Хаджимухаметова Матлуба Адиловна
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Худайберганов Кобилжон Тахирович
доктор технических наук, профессор

Журабоев Камолжон Абдумуминович
кандидат технических наук

Ведущая организация:

Ташкентский институт по
проектированию, строительству и
эксплуатации автомобильных дорог

Защита диссертации состоится «10» 04 2020 г. в 13⁰⁰ часов _____ на заседании Научного совета PhD.15/30.12.2019.T.73.01 при Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта. (Адрес: 100167, Ташкент, Адыхходжаева, 1. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54, e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта (регистрационный номер – 011).
(Адрес: 100167, Ташкент, ул. Адыхходжаева, 1. Тел.: (99871) 299-05-66.

Автореферат диссертации разослан «03» 04 2020 года.
(протокол реестра № 012 от «03» 04 2020 года).



~~А.И. Адыхходжаев~~
Председатель Научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Я.О. Рузметов
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней, к.т.н.

Н.Н. Ибрагимов
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
учёных степеней д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире одной из важнейших задач, стоящих перед транспортной отраслью, является привлечение дополнительных грузопотоков, следовательно, и получение соответствующих доходов. Анализируя существующие системы доставки тарно-упаковочных грузов через железнодорожные склады, можно убедиться, что зачастую происходит простой транспортных средств в ожидании грузовых операций, а также наблюдаются многочисленные простои под погрузочно-разгрузочными работами сверх установленной нормы. В разных странах мира, таких как США, Япония, Канада, Германия, Франция, Италия и Великобритания при организации перевозок тарно-упаковочных грузов на железнодорожном транспорте осуществляется укрупнение грузовых единиц для обеспечения рационального продвижения грузопотоков и сохранности грузов. В связи с этим особое внимание уделяется управлению процессом организации перевозки тарно-упаковочных грузов на основе технологии кросс-докинг.

В мире проводятся научно-исследовательские работы по совершенствованию технологии процессов организации перевозки тарно-упаковочных грузов на железнодорожном и других видах транспорта. Одной из важных задач в этом направлении является повышение уровня организации процесса перевозок тарно-упаковочных грузов на основе выбора наиболее рациональных значений параметров груза, тары и транспортного средства и применения технологии кросс-докинга. В тоже время необходимо разработать алгоритмы и их программные обеспечения оптимального укладки тарно-упаковочных пакетов в транспортные средства и модели размещения, планирования и функционирования железнодорожных складов на основе заданных параметров грузопотока для ускорения процессов перегрузки транспортных пакетов и повышения уровня технологии перевозок.

В Республике Узбекистан реализуются меры по развитию транспортных систем, в том числе по совершенствованию технологических процессов перевозок грузов и разработке технологии совершенствования экспортно-импортного потенциала. В стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы кроме того, определены задачи по «... повышению конкурентоспособности национальной экономики ... сокращению ресурсозатрат в экономике, ... широкого внедрения энергосберегающих технологий в производстве, ... осуществления целевых программ по развитию дорожно-транспортных, инженерно-коммуникационных и социальных инфраструктур, а так же их модернизации ...»¹. Реализация этих задач, в частности, повышение уровня технологии перевозки и размещения логистических объектов является одной из важных

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

задач по применению современных методов и моделей функционирования транспорта в целом.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №ПП-3422 от 2 декабря 2017 года «О мерах по совершенствованию транспортной инфраструктуры и диверсификации внешнеторговых маршрутов перевозки грузов на 2018-2022 годы», а так же в других нормативно-правовых документах, принятых данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

